

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
«YOSH OLIMLAR TIBBIYOT JURNALI»

TASHKENT MEDICAL ACADEMY
«MEDICAL JOURNAL OF YOUNG SCIENTISTS»

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ
«МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ»

IXTISOSLASHUVI: «TIBBIYOT SOHASI»

ISSN: 2181-3485

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi.

№ 10 (06), 2024

«Yosh olimlar tibbiyot jurnali» jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2023 yil 5 maydagi 337/6-son karori bilan tibbiyot fanlari buyicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan.

Решением Президиума Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан от 5 мая 2023 г. № 337/6 «Медицинский журнал молодых ученых» внесен в перечень национальных научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР

Шадманов Алишер Каюмович

ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА

Шайхова Гули Исламовна

ОТВЕТСТВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ

Алимухамедов Дилшод Шавкатович

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

д.м.н., профессор Азизова Ф.Л.
профессор Азизова Ф.Х.
профессор Аллаева М.Ж.
профессор Даминова Ш.Б.
профессор Каримжонов И.А.
профессор Каримова М.Х.
профессор Набиева Д.А.
профессор Нажмутдинова Д.Қ.

профессор Нуриллаева Н.М.
профессор Тешаев Ш.Ж.
профессор Хайдаров Н.К.
профессор Хакимов М.Ш.
профессор Хасанов У.С.
д.м.н. Худойкулова Г.К.
профессор Эрматов Н.Ж.
профессор Маматкулов Б.М.

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Агишев И.А.
Аглиулин Д.Р.
Алейник В.А.
Билолов Э.Н.
Ганиев А.А.
Инаков Ш.А.
Искандарова Г.Т.
Исраилов Р.
Кайнарбаева М.С.
Матназарова Г.С.
Мирзоева М.Р.
Мирмансур
Муртазаев С.С.
Орипов Ф.С.
Отамурадов Ф.А.

д.м.н. (Казахстан)
к.м.н. (Россия)
профессор (Андижан)
профессор (Ташкент)
д.м.н. (Ташкент)
Ph.D. (Германия)
профессор (Ташкент)
профессор (Ташкент)
к.м.н. (Казахстан)
профессор (Ташкент)
профессор (Бухара)
Ph.D. (Индия)
д.м.н. (Ташкент)
д.м.н. (Самарканд)
д.м.н. (Термез)

Парпиева Д.А.
Рахимова Г.С.
Рустамова М.Т.
Саломова Ф.И.
Сидиков А.А.
Собиров У.Ю.
Тажиева З.Б.
Ташкенбаева У.А.
Хасанова Д.А.
Хасанова М.А.
Хван О.И.
Хожиметов А.А.
Холматова Б.Т.
Чон Хи Ким
Юлдашев Б.С.
Шадманов М.А.

д.м.н. (Ташкент)
д.м.н. (Ташкент)
д.м.н. (Ташкент)
профессор (Ташкент)
д.м.н. (Фергана)
профессор (Ташкент)
Ph.D. (Ургенч)
профессор (Ташкент)
д.м.н. (Бухара)
д.м.н. (Ташкент)
д.м.н. (Ташкент)
профессор (Ташкент)
д.м.н. (Ташкент)
Ph.D. (Южная Корея)
д.м.н. (Ургенч)
Ph.D. (Андижан)

Адрес редакции:

Ташкентская медицинская академия 100109, г.
Ташкент, Узбекистан, Алмазарский район, ул. Фараби 2,
тел.: +99878-150-7825, факс: +998 78 1507828,
электронная почта: mjys.tma@gmail.com

ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА (ГИГИЕНА, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ)

- Абдуғаниева Ш.М., Мустанов А.Ю., Турсунова Д.А., Матназарова Г.С. /**
Менингококк инфекцияси билан касалланишнинг энг юқори кўп учраган а
серогурухиларининг эпидемиологик хусусиятлари 61
- Жалолов Н.Н., Шеркўзиева Г.Ф., Саломова Ф.И. /** Болаларда ўткир
диарея билан касалланиш эпидемиологияси..... 67

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ МЕДИЦИНА

- Ишанджанова С.Х., Азизова Ф.Х., Отажанова А.Н., Алимухамедов Д.Ш. /**
Постнатальное развитие пейеровых бляшек у крысят, рожденных от
матерей с гестационным гипотиреозом 72
- Nizomov O.F. /** Nafas olish tizimi mintaqaviy limfa tugunlarining morfo-funksional
xususiyatlari..... 82
- Saidmurodova G.I., Usmonov R.J. /** Tajribaviy metabolik sindromda bachadondagi
morfologik o'zgarishlar 87
- Абдулазизова Ш.А. /** Об оценке морфологических изменений респираторного
отдела дыхательной системы при воздействии пестицида хлопирифоса 93
- Сабирава Р.А., Азизова Д.М. /** Взаимосвязь нарушения рецепторного аппарата
липопротеинов низкой плотности с перекисным окислением липидов и
антиоксидантной защитой..... 99
- Ходжаев Ш.Н., Эшбоев Э.А. /** COVID-19-да бош мия қон томирларида
ривожланадиган субмикроскопик ўзгаришлар 107

НАУЧНЫЕ ОБЗОРЫ

- Омаров Х.Б. /** Значение окислительного стресса при различных воздействиях
на организм человека 117
- Хакимов М.Ш., Эрназаров Х.И., Садуллаева К.Х. /** Стереометрия в медицине 124
- Yuldosheva L.O. /** Improvement of prevention of kidney disease in children of
preschool and school age..... 132
- Ahrorov A.A. Sobirova D.R. /** Miokard infarkti uning etiologiyasi, patofiziologiyasi,
klinik kechishi va davolash usullari 136

БОЛАЛАРДА ЎТКИР ДИАРЕЯ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ

Жалолов Н.Н., Шерқўзиева Г.Ф., Саломова Ф.И.
Тошкент Тиббиёт Академияси. Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, болалар орасида юқумли ичак касалликлари, хусусан, диарея кўп учрайди. Кейинги йилларда республикамизда содир булаётган ижтимоий, иқтисодий туб ўзгаришлар болалар ўртасида учрайдиган юқумли касалликларнинг бир мунча камайишига олиб келди. Болалар юқумли касалликлари патологиясида ўткир ичак касалликлари олди ўринда туради. Ўткир ичак касалликлар структураси болалар ёши катта ахамиятга эга. 1 ёшдан катта бўлган шигеллёлар кенг тарқалган., кейин сальмонеллёлар, энтероинвазив эшерихиоз, ротавирус диареялар ва бошқалар. Ўткир ичак юқумли касалликларнинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тарқалиш ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди: жами касалланганлар 348 та бўлиб, улардан 18 ва ундан катта ёшдагилар бошқа ёшдаги болаларга нисбатан кўп касалланганликлари, кейинги ўринда эса 1 ёшгача бўлган болаларда кўп қайд этилган яъни 86 та ни ташкил этган бўлиб, 15-17 ёшдагилар эса энг кам касалланганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: аҳоли, диарея, юқумли касалликлар, микроорганизм, шигеллёлар, сальмонеллёлар, сувсизланиш, ташқи муҳит.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ДЕТЕЙ С ОСТРЫМ ДИАРЕННЫМ ЗАБОЛЕВАНИЕМ

Жалолов Н.Н., Шеркузиева Г.Ф., Саломова Ф.И.
Ташкентская Медицинская Академия. Ташкент, Узбекистан

Аннотация. В патологии детских инфекционных заболеваний первое место занимают острые инфекционные болезни. Большое значение имеет структура острых кишечных заболеваний у детей. Часто встречается шигеллез старше 1 года, затем следуют сальмонеллез, энтероинвазивная эшерихия, ротавирусная диарея и др. кишечные заболевания. В нашей стране по распространенности 50-70% детей раннего возраста инфицированы с острым кишечным заболеванием. При изучении распространения острых кишечных инфекционных заболеваний среди групп населения получены следующие результаты: общее количество больных составило 348, из них дети в возрасте 18 лет и старше инфицированы чаще, чем дети других возрастов, и на следующем месте - чаще регистрировались дети до 1 года — 86 случаев, меньше всего инфицированы 15-17-летние.

Ключевые слова. диарея, инфекционные заболевания, шигеллез, дегидратация, внешняя среда, энтероинвазивная эшерихия.

EPIDEMIOLOGY OF CHILDREN WITH ACUTE DIARRHEAL DISEASE

Zhalolov N.N., Sherkuzieva G.F., Salomova F.I.
Tashkent Medical Academy. Tashkent, Uzbekistan

Abstract. In the pathology of childhood infectious diseases, acute infectious diseases occupy first place. The structure of acute intestinal diseases in children is of great importance. Shigellosis over 1 year of age is common, followed by salmonellosis, enteroinvasive Escherichia, rotavirus

diarrhea and other intestinal diseases. When studying the spread of acute intestinal infectious diseases among population groups, the following results were obtained: the total number of patients was 348, of which children aged 18 years and older were infected more often than children of other ages, and in the next place children under 1 year of age were more often registered - 86 cases, the least infected are 15-17-year-olds.

Keywords. *diarrhea, infectious diseases, shigellosis, dehydration, external environment, enteroinvasive Escherichia.*

Долзарблиги. Мураккаб иқлим шароитига эга Ўзбекистонда аҳоли айниқса, болалар орасида юқумли ичак касалликлари хусусан, диарея кўп учрайди. Кейинги йилларда республикамизда содир булаётган ижтимоий, иқтисодий туб ўзгаришлар болалар ўртасида учрайдиган юқумли касалликларнинг бир мунча камайишига олиб келди. Ўткир ичак инфекциялари ҳар турдаги микроорганизмлар кўзгатади, кенг тарқалган ва ич суриш, интоксикация, баъзан сувсираш синдроми билан тавсифланадиган касалликлардир. Ўткир ичак инфекциялари энг кўп тарқалган касалликлардан бўлиб, гриппдан кейин иккинчи ўринда туради. Касаллик иссиқ иқлим шароитида айниқса кўп учрайди, шу билан бирга ёш болалар кўпроқ касалланади. Шу билан бирга ўткир юқумли ичак касалликлари ошқозон-ичак касалликлари кенг кўламли касалликларни ўз ичига олади ва кўп сонли ва частотага эга. Ўткир ичак инфекцияларига диарея ҳам кириб ушбу касаллик организмнинг сувсизланишга олиб келиши мумкин, сувсизланиш эса организмдаги сув ва электролитлар балансини (натрий, калий, хлорид) бузиши ва даволанмаса, жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу касалликларни ташқи муҳитга анча чидамли бўлган бактериялар ва вируслар кўзгатади. Бемор ва бактерия ташувчилар кўзгатувчиларни ташқи муҳитга асосан ўзларининг аҳлатлари билан чиқаради ва атроф муҳитни шу касалликлар кўзгатувчилари билан ифлослантиради. Тарқалиш бўйича бизнинг давлатимизда ўткир ичак касалликлари инфекцияси бўйича ёш болалар орасида 50 -70 % ташкил этади. Ўткир ичак касалликлари структураси болалар ёши катта ахамиятга эга. 1 ёшдан катта бўлган шигеллёлар кенг тарқалган., кейин сальмонеллёлар, энтероинвазив эшерихиоз,

ротавирус диареялар ва бошқалар [6,10,13]. Ўткир ичак касалликлари орасида 1 ёшгача бўлган болаларда биринчи ўринни ротавируслар эгаллайди, кўп ҳолатларда сальмонеллёлар, энтеропатоген эшерихиоз, шартли патоген микрофлора: стафилакокки, протей, клебсиелла, цитробактер ва бошқалар чакирувчи касалликларда юқори ўринда туриши мумкин, шу сабабли шигеллёлар ўрни билинар билинмас даражада. Диареяларнинг ҳамма кўзгатувчиси, диагностика имконияти йўқлигидан, замбуруғ ва содда хайвонлар чакирувчи организмлар катта роль ўйнайди. Диарея касаллиги кўп ҳолларда ҳар хил вируслар таъсиридан кейин (адено, эктеро, астро - калиции, корановирус ва бошқалар) яхши ривожланади [2,4,8]. Ўткир ичак касалликлари дунёда ҳар йили тахминан 5 миллион ёш болаларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Ушбу касалликларнинг ривожланишида айниқса атроф муҳит объектларининг хусусан , сув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва турмушда ифлос қўл, уйрўзғор буюмлари (идиш-товоклар ва бошқалар) муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга ёз-куз ойларида ичак инфекциялари тарқатишда пашша, суварак ва арилар ҳам катта роль ўйнайди [3,7,9,12].

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Олдимизга қўйилган мақсадни бажариш учун 2021-2022 йиллар мобайнида болалар ўртасида ўткир ичак инфекцияларининг қайд қилиниш ҳолатлари кузатилди. Ушбу ҳолатларнинг клинико-лаборатор ва ижтимоий-касбий маълумотлари тахлили ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Биз аҳоли ўртасида 2021-2022 йиллар давомида ўткир диарея касалликларининг тарқалишини тахлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: 2021 йили жаъми 457 абсалют -203,4 интенсив кўрсаткич аниқланган бўлса 2022 йили 367 абсалют -185,2 интенсив кўрсат-

кич бўлди. Сальмонелёз инфекциялари бўйича олинган натижаларнинг тахлилида қуйидагилар аниқланди: 2021 йили абсалют -3, интенсив кўрсаткич-1,2; 2022 йили эса 2-абсалют -1,0, ичбуруғ билан эса 2021 йили


22 абсалют, 9,4- интенсив кўрсаткич; 2022 йили 17-абсалют, 8,5- интенсив кўрсаткич эканлиги аниқланди. Ўткир диарея касалликларининг этиологик омили бўйича тахлиллар 1-расмда келтирилган.



Расм-1. 2021-2022 йиллардаги диарея касалликларининг қайд этилиш ҳолати

2022 йилдаги ўткир ичак юқумли касалликларининг таркибини тахлил натижалари қуйидагича: кўзғатувчиси аниқланган ЎИЮК абсалют -1, интенсив кўрсаткич-0,2; кўзғатувчиси аниқланмаган ЎИЮК абса-

лют -347, интенсив кўрсаткич-94,5; ичбуруғ абсалют -17, интенсив кўрсаткич-4,6; сальмонелёз билан эса абсалют -2, интенсив кўрсаткич-0,5.



Расм-2. Ўткир ичак юқумли касалликлар билан касалланганларнинг ёш бўйича тахлил натижалари.

Ўткир ичак юқумли касалликларнинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тарқалиш ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди: жами касалланганлар 348 та бўлиб, улардан 18 ва ундан катта ёшдагилар бошқа ёшдаги болаларга нисбатан кўп касалланган-


ликлари, кейинги ўринда эса 1 ёшгача бўлган болаларда кўп қайд этилган яъни 86 та ни ташкил этган бўлиб, 15-17 ёшдагилар эса энг кам касалланганлиги аниқланди (2-расм).



Расм-3. ЎИЮК билан касалланган беморларнинг ижтимоий-касбий таркиби (1000 аҳоли интенсив кўрсаткич)

Касалликнинг тарқалишининг ижтимоий – касби таркиби бўйича тахлил натижаларида қуйидагилар аниқланди: кузатув йилида энг кўп уюшмаган ясли ёшидаги болаларда 164 та ҳолат қайд этилган бўлиб, энг кам ҳолат эса уюшган ясли ёши-

даги болаларда 1 та ҳолат аниқланган. Шу билан бирга уюшмаган мактабгача ёшдаги болаларда (44 та ҳолат) ва умумтаълим мактаб ўқувчилари орасида ҳам (29 та ҳолат) аниқланган (3-расм).



Расм-4. 2022 йилда қайд этилган ЎИЮК нинг ойма – ой тахлили (кўзгатувчиси аниқланмаганлар)

Бизга маълумки ҳар қандай юқумли касалликлар ўзининг мавсумийлик характерига эга. Шу сабабли биз касалликнинг тарқалишини ойма –ой қайд этилишини ҳам таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик: кўзгатувчиси аниқланмаган ўткир ичак юқумли касалликлари ёз ойларида хусусан июнда 44 та, июлда 64 та ва август ойида 53 та ҳолат қайд этилган. Касалликнинг энг кам учраш ҳолати январ (14 та ҳолат), феврал (8 та ҳолат) ва март ойларида (14 та ҳолат) аниқланган. Касаллик ёз ойларидан кейин куз ойлари сентябр, октябр ва ноябр ойларида ҳам бошқа ойларга нисбатан кўп учраган(4- расм).

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги глобаллашув шароитида ўткир ичак юқумли касалликларининг олдини олишда микроорганизмларнинг маъий йўл билан тарқалишини бартараф этиш тадбирлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Касалликнинг болалар ўртасида кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб улар ўртасида гигиеник таълим беришни амалга ошириш лозим. Ҳар бир инсон ҳар қандай шароитда ҳам оддий шахсий гигиена қоидалари ва овқатланиш тартибларига риоя қилиш, ҳар гал ҳожатдан сўнг ва овқатланишдан аввал қўлни совунлаб ювиш лозим. Айниқса касаллик ёз ойларида (июнда 44 та, июлда 64 та ва август ойида 53 та ҳолат)кўп тарқалишини эътиборга олиб, очик сув ҳавзаларини турли чиқиндилар билан ифлосламаслик, белгиланмаган сув ҳавзаларида чўмилмаслик лозим. Хонадон, мактаб, ҳовли ва боғчаларда тозаланиш сақлаш, ҳожатхоналарни озода тутиш, пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик, дезинфекция воситаларидан мунтазам фойдаланиш лозим.

Адабиётлар.

1. Ахмедова М.Д., Ташпулатова Ш.А., Ганиева О.Ф., Имамова И.А. //Оролбўйи худудларида сурункали вирусли гепатит с клиник кечишига ташқи муҳит экологик омиллари таъсирини ўрганиш. Инфекция, иммунитет и фармакология Научно-практический журнал. Специальный выпуск. Часть 1. 2017 г.64-68 стр.
2. Джанибеков Б. Ўткир ичак касалликларидан сақланиш <https://qqses.uz/uz/1007.html>.
3. Мирзакаримова Д.Б., Юльчибаев М.Р., Юлдашев Я.М., Усарова С.А. Клини-

ческие особенности начального периода сальмонеллёза, вызываемого s. Typhimurium. Инфекция, иммунитет и фармакология Научно-практический журнал. Специальный выпуск. Часть 1. 2017 г.132-136 стр.

4. Саломова Ф.И., Шерқўзиева Г.Ф., Искандаров А.Б., Урманова Л.Ж.// Гепатит касаллиги ва озиқ овқат махсулотларининг ифлосланиши. Озиқ-овқат ва кимё санатаида инновацион технологияларни жорий қилиш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Наманган, 2023 йил 2-3 июл, 23 б.

5. Саломова Ф.И., Шерқўзиева Г.Ф., Искандаров А.Б., Урманова Л.Ж. //Ахолининг дизентерия касаллиги билан касалланиши ва унинг профилактикасида сувнинг сифатининг аҳамияти. Application of high innovative technologies in preventive medicine / Republican scientific and practical conference with international participation Andijan 2023 1162-1163 b.

6. Миртазаев О.М. Эпидемиологиядан амалий машкулотлар учун қўлланма Тошкент – 2003. 240 бет.

7. Урманова Л.Ж., Эгамбердиева З.З., Шерқўзиева Г.Ф.// Результаты микробиологического исследования питьевой воды. Международная конференция студентов и молодых ученых “Проблемы бактериальных, вирусных и паразитарных инфекций на современном этапе” Ташкент 30март 2023. 69-70 ст.

8. Нурдинова, Г. У., Авезова, Г. С., Бердиева, Д. Б., & Шерқўзиева, Г. Ф. (2016). Эпидемиология сахарного диабета. *International scientific review*, (7 (17)), 93-95.

9. Шерқўзиева, Г. Ф., & Саломова, Ф. И. (2023). Болалар саломатлигида паразитар касалликларнинг аҳамияти.

10. Шерқўзиева, Г. Ф. (2022, November). Yuqumli kasalliklar tarqalishida ichimlik suvining ahamiyati. Сборник международной научно-практической конференции “Актуальные проблемы эпидемиологии инфекционных и неинфекционных болезней”. – Фергана, 2022.–С. 158-159.

11. Юсупов Ш.Р., Рахимбаев М.Ш. //Особенности этиологической структуры острых диарейных заболеваний в экологически неблагоприятном регионе... Инфекция, иммунитет и фармакология научно-практический журнал7/2016г.98-102 стр.